# O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

ISSN 2181-502X

№4, 2024

Agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal


## Ramazon hayitingiz muborak bo‘lsin, aziz yurtdoshlar!





# Тошли майдонларда техникалардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари

**Мамлакатимизнинг тоғолди минтақалари унумдор тупроқларга бой бўлиши билан бирга айрим майдонларда ҳар хил ўлчамли тошлар мавжуд. Ҳозирги пайтда бундай ерларда пахта, ғалла, маккажўхори, сабзавот, полиз ва бошқа турдаги экинлар етиштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.**

Ушбу тошли майдонлар шароитида мавжуд қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш жараёнида тошлар уларнинг ишчи қисмларга салбий таъсир (синдириши, эгиши, жадал ейилиши) кўрсатиб, натижада уларнинг тез ишдан чиқиши оқибатида бажариладиган технологик жараёнлардаги ишларнинг сифатининг бузилишига, экинларнинг ривожланиши ва ҳосилдорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб, уларни тўлиқ амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалиги техникаларидан самарали фойдаланиш ҳамда улар ёрдамида бажариладиган ишларнинг сифатли бўлишига эришиш мумкин.

Бунинг учун тошлоқ минтақаларда жойдашган ҳар бир фермер хўжалиги ёки кластер корхонаси ҳудудидаги экинлар экиладиган тошли майдонларнинг хусусиятларини (тошлар билан ифлосланганлик даражаси, ҳажми ва ўлчамлари) тўлиқ ўрганиб чиқиш, қишлоқ хўжалиги машиналарининг ишчи қисмларига салбий таъсир кўрсатадиган тошлар билан ифлосланганлик даражасига асосланиб, майдонларни тошлардан тозалаш ёки қишлоқ хўжалиги машиналарининг ишчи қисмларини ҳимоя қиладиган махсус қурилмалардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш жуда муҳим ҳисобланади.

Соҳада олиб борилган изланишлар натижасида тупроқдаги тошларнинг турли хилдаги қишлоқ хўжалиги машиналарининг ишчи қисмларига кўрсатадиган зарарли таъсирини камайтириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар ишлаб чиқилди (жадвал).

Ҳар бир хўжалик шароити учун экин майдонлардаги тошларни териб олиш самарадорлиги ҳамда техникаларнинг ишчи қисмларини тошлардан ҳимоя қилиш қурилмаларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиб чиққан ҳолда аниқланган камчиликларининг бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб, уларни тўлиқ амалга ошириш орқали мавжуд техникалардан самарали фойдаланишга эришиш мумкин.

**Сайдилла АЛИКУЛОВ,**
**Асқар ИГАМБЕРДИЕВ,**
"ТИҚХММИ" МТУ.

**Тупроқдаги тошларнинг қишлоқ хўжалиги машиналарига кўрсатадиган зарарли таъсирларини камайтириш бўйича амалга ошириладиган тадбирлар**

| Тошларнинг хусусиятлари | | | Салбий таъсир остида бўладиган машиналар | Зарарни камайтирадиган тадбирлар | |
|---|---|---|---|---|---|
| Тошлилик даражаси | Ҳажми, % | Энг катта ўлчами, см | | Тошлардан тозалаш | Тошлардан ҳимоя қилиш қурилмалари қўллаш |
| Кучсиз | 30 гача | 10 | Эккичлар ва терим машиналари | Самарасиз | Самарали |
| Ўртача | 30-50 | | | Самарасиз | Унумдор тупроқларда самарали |
| Кучли | 50 дан юқори | | | Самарасиз | Ерга ишлов беришда самарасиз |
| Кучсиз | 30 гача | 20 | Плуглар бороналар, эккичлар, культиватор ва терим машиналари | Самарали | Самарали |
| Ўртача | 30-50 | | | Унумдор тупроқларда самарали | Унумдор тупроқларда самарали |
| Кучли | 50 дан юқори | | | Самарасиз | Ишлов бериш самарасиз |

O‘ZBEKISTON QISHLOQ VA SUV XO‘JALIGI

agrar-iqtisodiy, ilmiy-ommabop jurnal

СЕЛЬСКОЕ И ВОДНОЕ ХОЗЯЙСТВО УЗБЕКИСТАНА

аграрно-экономический, научно-популярный журнал

**Muassislar:**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI VA SUV XO'JALIGI VAZIRLIKLARI

**Bosh muharrir:**

Tohir DOLIYEV

**Tahrir hay`ati:**

Ibrohim ABDURAHMONOV
Shavkat XAMRAYEV
Azimjon NAZAROV
Bahodir TOJIYEV
Ravshan MAMUTOV
Abrol VAXOBOV
Bahrom NORQOBILOV
Nizomiddin BAKIROV
Shuhrat TESHAYEV
Bahodir MIRZAYEV
Ravshanbek SIDDIQOV
Mirziyod MIRSAIDOV
Baxtiyor KARIMOV
Ibrohim ERGASHEV

**2024-yil, aprel №4.**

Jurnal 1906-yil yanvardan chiqa boshlagan.

**Obuna indeksi 895**

Jurnaldan materiallar ko‘chirib olinganda “O‘zbekiston qishloq va suv xo‘jaligi” jurnalidan olindi, deb ko‘rsatilishi shart.

## MUNDARIJA

Рамазон – меҳр-мурувват ойи ... 1
Орденли сувчи опа ... 2
Иқтидор ва изланиш эътирофи ... 3
Aygulning oydin orzulari ... 4
**U.MAMAJONOV.** O'rganish, izlanish va natija ... 5
**Р.СИДДИҚОВ.** Ҳосилга ҳосил қўшилмоқда ... 6
**Р.НИЗОМОВ, Ф.РАСУЛОВ.** Апрель – энг қизғин палла ... 8
**С.АЛИКУЛОВ.** Тошли майдонларда техникалардан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари ... 12
**Е.ТОРЕНИЯЗОВ.** Қовун пашшаси кўпайганда қарши кураш долзарб тадбирдир ... 13
**Р.РАҲИМОВ.** Ноконуний жойлардан сув олганларга жарима қўлланилади .. 14
Ариқларни бетонлаштириш: “Зарбдор йиллик”нинг залвори ... 15
**И.ЖЎРАЕВ.** Мақсадимиз – сув хўжалигини рақамлаштиришга ҳисса қўшиш ... 16
**С.НАВРУЗОВ.** Янги мавсум юмушлари ... 18
**A.RAJABOV, A.UBAYDULLAYEV.** Zamonaviy qishloq xo‘jaligi texnikalari – dehqon madadkori ... 20
**Ш.НОРМУРОДОВ.** Кластер тизими: ташаббус билан тараққиётга қадам ... 22
Адирларда кўкламнинг умидбахш ёмғирлари ... 23
Яйловларда баҳор нафаси ... 24
**З.НОВИЦКИЙ, Г.АТАДЖАНОВА.** Гидрогели в лесном хозяйстве ... 25
**I.EGAMOV, N.YULDASHEVA, X.USMONOVA.** Kuzgi bug‘doy navlari donining texnologik sifat ko‘rsatkichlariga yetishtirish agrotexnikasi elementlariga ta’siri ... 27
**Х.АШИРОВА, В.ИСМОИЛОВ, З.МУМИНОВА.** Кузги рапс ҳосил структурасига экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири ... 30
**У.НОРҚУЛОВ, Ш.АХМУРЗАЕВ.** Соя даласида қўлланилган зета 100 г/л с.к. гербицидининг зарпечакка (Cuscuta L) қарши самарадорлиги ... 32
**К.СУЛТОНОВ, П.ЭГАМБЕРДИЕВ, И.ЖЎЛБЕКОВ.** Узумнинг кишмишбоп навларининг чангланишига ўстирувчи моддаларнинг боғлиқлиги ... 34
**Н.ШАБАРОВА, Т.ОСТОНАҚУЛОВ, С.ТОШПЎЛАТОВА.** Ёзда янги ковланган туганакларидан қайта ўстирилганда картошка навларининг ҳосилдорлиги ва мосланувчанлиги ... 37
**Ж.ШЕРАЛИЕВ.** Бош салат навлари ҳосилдорлигига экиш схемаларининг таъсири ... 40
**А.ҚУРБОНОВ.** Тиляпия балиқларини қишловдан чиқаришда ёпиқ айланма сув таъминотининг аҳамияти ва бу жараёнга инновацион ёндашув натижалари ... 43
**M.XAMIDOV, A.JO‘RAYEV.** Tomchilatib sug‘orishning paxta hosiliga ta’siri .. 46
**О.ҚОДИРОВ, Ш.КОЗУБАЕВ.** Элита хўжаликларида ресурстежамкор ва сувтежовчи технологияларни қўллаш навдор уруғлар етиштириш ва ҳосилдорликни ошириш омилидир ... 49
**A.SHAMSIYEV, U.NORQULOV, N.XUDAYBERGENOV, J.ESHONQULOV.** Sho‘rlangan maydonlarda ekilgan soya va kungaboqar ekinlarining sug‘orish me`yori va mavsumiy suv sarfi ... 51
**I.ERGASHEV, X.PARDAYEV, N.ALIQULOVA, B.TASHTEMIROV, F.NAMAZOV, M.NEGMATOV.** Inqirozga uchragan cho‘l va yarim cho‘llarda o‘simliklar xilma-xilligini tiklash usullari ... 53
**М.ХАКИМОВА.** Янги маънавий макон, маърифатли жамиятни барпо этиш ва бошланғич синф ўқувчиларида мутолаа маданиятини шакллантириш зарурияти ... 55
**M.TILLYASHAYXOVA.** Zamonaviy avtomatlashtirilgan kutubxona axborot tizimlari ... 58
**В.ЗУЕВ, М.АДИЛОВ.** Илм боғининг боғбони ... 61
**М.ТОИРОВ.** Ҳалол яшаб ўтилган умр ... 62

Jurnal O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2019-yil 10-yanvarda 0158-raqam bilan qayta ro'yxatga olingan.

**Manzilimiz:** 100004, Toshkent sh., Shayxontohur t., A.Navoiy k., 44-uy.

**Tel.:** +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

**Veb sayt:** qxjurnal.uz
**E-mail:** qxjurnal@mail.ru
**Telegram:** qxjurnal_uz
**Facebook:** qxjurnal

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Bosmaxonaga topshirildi: 2024-yil 1-aprel. Qog`oz bichimi 70x100 1/16. Ofset usulida ofset qog`oziga chop etildi. Shartli bosma tabog`i – 5,5. Nashr bosma tabog`i – 1,31. Buyurtma № 6 Nusxasi 1000 dona.

**«HILOL MEDIA» MCHJ matbaa bo‘limida chop etildi.**
**Korxona manzili:** Toshkent shahri, Uchtepa tumani, Sharaf va To‘qimachi ko‘chalari kesishuvi.

Navbatchi muharrir – **A.TAIROV**

Dizayner – **U.MAMAJONOV**